

Ташриқ такбирлари қачон ва қандай айтилади?



16:22 / 07.07.2022 10434

Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Лаа илааҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар! Аллоҳу акбар ва лиллааҳил ҳамд.

Маъноси: Аллоҳ буюқдир, Аллоҳ буюқдир. Аллоҳ таолодан ўзга илоҳ йўқдир. Аллоҳ буюқдир, Аллоҳ буюқдир ва ҳамд Аллоҳ таоло учундир. Такбири ташриқ арафа куни, яъни 8 июль бомдод намозидан бошлаб ҳайитнинг тўртинчи куни, яъни 12 июль аср намозига қадар айтилади:

8 июль – 5 маҳал,
9 июль – 5 маҳал,
10 июль – 5 маҳал,
11 июль – 5 маҳал,

12 июль – 3 маҳал.

Жами 23 маҳал намозда Такбири ташриқни бир маротаба айтиш вожиб амал саналади.

Аёллар такбири ташриқни махфий айтадилар.

Намозга кечикиб қўшилган киши ҳам намозини тўлиқ қилгандан кейин такбири ташриқни айтади.